



Илк турк достоннависи Боласогунда тугилган, корахонийлар саройида хизмат килган. Хижрий 462 (м.1069-70)да ёзиб тугалланган "Кутадгу билиг" ("Саодатга бошловчи билим") асари корахонийлар давлатининг мустахкам карор топишига хизмат килган низомномадир. Уч нусхаси (Вена, Кохира ва Наманган) мавжуд. Нисбатан тўлиги Наманган нусхаси бўлиб, 1923 йили Фитрат томонидан кўлга киритилган, у ЎР ФА ШИ да сакланади. 6329 байтдан иборат, маснавий (яъни арузнинг "мутакориби мусаммани маҳзуф") вазнида ёзилган

Давлат ва жамият курилиши масалалари, комил инсон ва илм-маърифат таргиботи асардаги тўрт рамзий қаҳрамон Кунтугди (адолат), Ойтўлди (баҳт), Ўгдулмиш (акл) ва Ўзгурмиш (каноат) тимсоллари оркали ифода килинган.

Жаҳон туркологиясида асарга илк турк дидактик достони сифатида ёндашиш мавжуд (Иосиф Фон Хаммер, В. Радлов, А. Кононов, И. Стеблева). Мартин Хартман, А. Вамбери, Ф. Кўпрулу, Заки В. Тўғон, Рашид Рахмати Арат в.б. томонидан нашр ва таржима килинган. Ўзбекистонда асарнинг тўла матни изоҳ ва хозирги тилга таржимаси билан нашр этилган. Фитрат, К. Каримов, Г. Абдурахмонов, Б. Тўхлиев в.б. олим тадқик этган.

Нашр килинган манбалар:

Кутадгу билиг (Нашрга тайёрл. К. Каримов). – Т.: 1971.

Кутадгу билиг (насрий баён муаллифи Б. Тўхлиев). – Т.: 1990.

Илмий адабиёт:

Фитрат. Кутадгу билиг. "Танланган асарлар". (нашрга тайёрл.Х.Болтабоев). 2-жилд. – Т.: Маънавият, 2000.

Кононов А. Слово о Юсуфе из Болосогуна и его поеми "Кутадгу билиг". Журн."Советская тюркология". 1970. № 4.

Б. Тўхлиев. "Кутадгу билиг"нинг поетикаси масалалари. — "Ўлмас обидалар" тўпл. – Т.: 1989.

Б. Тўхлиев. Билим — эзгулик йўли. — Т.: 1997.

К. Каримов. Илк бадиий достон. — Т.: 1976.